*2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили*





## ДАВОЛАШДАН КЎРА ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

*Касалликларнинг олдини олиш, анъанавий ва халқ табобатининг илғор услубларидан фойдаланган ҳолда санаторий ва курортда даволаниш Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимида муҳим йўналишлардан бири саналади. Республикамизда ўнлаб санаторий, профилакторий ва соғломлаштириш муассасалари фаолият кўрсатмоқда, уларда даволаш- профилактика жараёнини яхшилаш, моддий-техника базасини кенгайтириш ишлари амалга оширилмоқда.*

*Тўрақўрғон туманининг Шаҳанд қишлоғида жойлашган "Шаҳанд" санаторийси ҳам шундай муассасалардан биридир.*

*Йигирма беш йил олдин ташкил этилган ушбу икки қаватли санаторий яқин вақтгача бор-йўғи эллик ўринга эга эди. Бугун эса бу муассаса имкониятлари кенгайиб, 150 кишини қабул қила олади.*

*Сўнгги йилларда бу ерда тўрт қаватли ётоқхона биноси, жисмоний тарбия хонаси ва сузиш ҳавзасига эга янги даволаш бўлими барпо этилди. Киноконцерт зали ва ёзги павильонда турли маданий-кўнгилочар тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.*

*Санаторийнинг ободонлаштирилган ҳудуди, майсазорлар, гулзорлар ва дарахтлар ҳордиқ чиқариш, кайфиятни кўтаришга ёрдам беради, одамга қувват бағишлайди.*

**Суратларда: "Шаҳанд" санаторийси фаолиятидан лавҳалар.**

**Х.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар**

*Мулоҳаза*

# ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

*Маънавиятимизнинг сарчашмаларидан бири бўлган миллий қадриятларимизни тиклаш, шу жумладан, тилимиз мусаффолигини таъминлаш борасида асрларга татигулик ишлар қилинди. Чунончи, луғатимизга мажбурий тиқиштирилган эски ном ва атамалар ўзгарди. Тилимизнинг равонлашувига тўсқинлик қиладиган «келгинди» сўзлар олиб ташланди.*

Шундай бўлса-да, баъзан ўзаро фикр алмашувларда, ёзиш, сўзларни қўллаш ва талқин этишда мантиқни бузувчи сўзлардан ҳамон воз кечолмаётганлигимиз сезилиб туради.

Шу ўринда бир мисол келтирсам. Маълумки, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳар куни юзлаб транспорт воситалари аҳолига хизмат кўрсатиб, ҳожатини чиқаради. Ҳайдовчи ёхуд чиптачиларнинг аксарияти хушмуомалалиги, ширинсуханлиги билан ўз йўналишида обрў-эътибор топган. Лекин...

Яқинда ана шундай сергавжум йўналишлардан бирида автобус чиптачиси ва йўловчининг ўзаро мулоқоти кўпларни ранжитди.

— Ўттиз беш йилдан буён Ўзбекистонда яшайман, — дерди чиптачи каккайиб. — Турмуш ўртоғим ўзбек, уч нафар боламиз бор. Тўғри, ўзбек тилини анчагина тушунаман, бироқ сўзлашиш ва ёзишни билмайман, чунки эҳтиёж бўлмаган. Кези келса, ўрганарман...

Ёдингизда бўлса, дастлаб давлат тилини муомалага бекаму кўст жорий этиш борасида жойларда бирмунча саъй-ҳаракатлар бошланган эди. Масалан, ташкилотлар, корхона ва маҳаллаларда тилчи мутахассислар томонидан машғулотлар мунтазам ўтказилиши анъанага айланганди. Бунда тил ўрганувчилар ихтиёрий равишда қатнашиб, кўплаб корхоналар адабиётшунос, тилчи олимларни жойларда дарс ўтиш учун жалб этганлиги, ҳатто улар билан узоқ муддатли меҳнат шартномалари ҳам тузганини сир эмас. Ва бундай оқилона муносабат ўзининг ижобий натижасини беришидан ташқари давлат тилининг амалиётда қўлланилишига беминнат ҳисса қўшди.

Аммо кейинчалик бу ишларга эътибор сусайди. Ёки ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бунинг натижаси ўлароқ мана бундай ёзувлар айрим жойларда ҳамон савлат тўкиб турибди. Айтайлик, «Яккасарой-1» шу номли тумандаги энг катта маҳаллалардан бири. Маҳалла кенгаши идорасига ҳар куни ўнлаб киши кириб чиқади. Шунга қарамай, унинг шундоққина ёнбошида жойлашган катта дарвозада қачонлардир «Западная-5» деб ёзиб қўйилган алмисоқдан қолган белгини олиб ташлаш негадир ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

Корхона ва ташкилотлар ёхуд кичик ишлаб чиқариш корхоналари тайёрлаётган маҳсулотларни қаердан олиш, уларнинг қандай турлари мавжуд эканлигини англатувчи эълонлар, ҳожатбарорликни кўз-кўз қилувчи ёзувларнинг кўпчилиги тўғридан-тўғри бошқа тилда ёзилиб, савлат тўкиб тургани беихтиёр киши нафсониятига тегади.

Давлатимизнинг тилимизни ривожлантиришга эътибор кучайтираётгани бежиз эмас. Айнан шу тил орқали ўзлигимизни англаяпмиз. Маънавиятимиз бойиб, имон-эътиқод ришталари мустаҳкамланиб бормоқда.

Бас, шундай экан, бундан кейин ҳам жойларнинг номланишига эътибор янада кучайтирилса, фойдадан холи бўлмасди. Чунки уларнинг номланиши аввалгилардан мутлақ фарқли ва абадий бўлишига, вақти келиб уни ҳеч ким «эски ном» деб ўзгартирмаслигига кўпроқ ўзимиз масъул бўлишимиз лозим.

Яна бир гап: айрим жойлар ёки кўчаларнинг номланишидаги жузъий нуқсонлар ва англашилмовчиликлар ўқувчини чалғитиб қўймоқда. Мисол учун. Ҳамза туманида илгари Невский номли кўча бўларди. Кейинчалик лотин алифбоси асосидаги ҳарф билан «Бойкурган» деб ўзгартирилди. Тарихга назар солинса, бу жой «Бойкурган» эмас, балки «Бойқўрғон», яъни бойлар қўрғони бўлганлигини англатади.

Бир пайтлари республикамизда 50 дан ортиқ «Правда» жамоа хўжаликлари мавжуд бўлиб, улардан бири Сирдарё вилояти ҳудудида жойлашган эди. Мустақиллик шарофати билан ҳамма нарса ўз номи билан аталадиган бўлди. Аммо Сирдарёда антиқа йўл танланди. Гарчи, ширкат негизида фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётган бўлса-да, улар «Правда»ни «Ҳақиқат»га айлантириб қўя қолишди. 500 дан ортиқ хонадон яшайдиган катта бир ҳудудда шу жойга лойиқ ном топилмагани кишини ўйлантиради. Келгуси ойда тилимизга давлат тили мақоми берилган санани нишонлаймиз. Албатта, ўтган даврга назар солсак, бу борада жуда кенг кўламли ишлар қилинганлигини кўрамиз. Шундай бўлса-да, баъзи чалкашликларга аниқлик киритиш ва уларни луғатимизга мослаштириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Зеро, ўтмишимиз ва бугунимиз она тили орқали, чиройли — ўзбекча сўзлар билан келажак авлодга етиб бориши сизу бизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ.

**Абдусами ХАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири**

*Ҳуқуқшунос шарҳлайди*

# ТАЛАБА ЗОБИТ БЎЛИШНИ ХОҲЛАСА...

***Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари нуфузи ошгани сайин эрксевар Ўзбекистон халқини, Ватанимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш учун ҳарбий хизматни ўташ ва ҳарбий мутахассисликни эгаллаш иштиёқида ёнган ёшлар сони кундан кунга ошиб бормоқда.***

Кўпгина олий ўқув юртларида ҳарбий кафедраларнинг очилганлиги белгиланган дастурга мувофиқ заҳирадаги зобитлар тайёрлаш имконини беради.

Ҳарбий кафедрада мутахассисларни ўқитиш, заҳирадаги зобитлар тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни, Мудофаа вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари (ҳарбий кафедралар) ҳақида муваққат Низом», Олий таълим муассасалари талабалари ҳисобидан резерв ва заҳирадаги зобитларни тайёрлаш ҳақида муваққат Низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори, 2002 йил 2 апрелдаги «Заҳирадаги зобитлар дастури бўйича ҳарбий тайёргарликка олий ўқув юртлари талабаларининг танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни амалга киритиш тўғрисида»ги қўшма буйруғи асосида амалга оширилади. Фақат йигитлар белгиланган миқдорга кўра, ҳарбий ҳисоб мутахассислигига яқин олий таълим муассасалари кундузги бўлимларига ва йигит-қизлар тиббиёт олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

Ҳарбий кафедраларга талабалар қабул қилиш танлов асосида иккинчи курсдан олий ўқув юрти ректори томонидан тасдиқланган комиссия томонидан амалга оширилади.

Танловда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, ҳарбий хизматга яроқли (Ҳарбий ишлар бўйича туман (шаҳар) бўлимлари тиббиёт комиссиялари хулосаси бўйича аниқланади), 27 ёшгача бўлган, олий ўқув юрти ректори номига ҳарбий тайёргарликни ўташ хоҳишини билдирганлиги ҳақида ариза берган талаба йигитлар иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳарбий кафедрага ўқишга қабул қилиш учун танловда қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади:

- олий ўқув юртига киришда давлат тест синовлари натижаларининг 50 фоизи;
- талабанинг биринчи 3 семестридаги рейтинг балларининг ўртача кўрсаткичлари;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида жисмоний тайёргарлик бўйича йўриқнома талабларига мувофиқ жисмоний ривожланиш даражаси.

Ҳарбий хизматга яроқли тиббий кўрикдан ўтган талабалар босқичма-босқич жисмоний тайёргарлик бўйича 3 км.га югуриш, турникда тортилиш, 100 метрга тез югуриш бўйича имтиҳондан ўтадилар. Жисмоний тайёргарликдан минимал балл (26 балл) тўпламаган талаба ҳарбий кафедрада ўқишга қўйилмайди.

Танлов якунлари имтиҳон варақасига киритилади ва раис - олий ўқув юрти ректори ва комиссия аъзолари томонидан имзоланади. Талабаларнинг танлов асосида ҳарбий кафедрага қабул қилинганлиги ҳақида баённома тузилади ва шу асосда ректорнинг буйруғи чиқади. Танлов бўйича қабул юзасидан шикоятни кўриб чиқиш учун апелляция комиссияси ҳам ташкил этилади.

Ҳарбий тайёргарлик бўйича тўлиқ курсни ўтаган талабалар битирув давлат имтиҳонларидан кейин зобитлик унвони олишлари учун аттестациядан ўтадилар.

**А.ЧЕГЕБОЕВ, Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокурори ёрдамчиси, адлия подполковниги**

*Менинг маҳаллам*

# АҲИЛЛИКНИНГ АСЛ МАКОНИ

*Маҳалла — Ватаннинг мўъжаз бўлаги. Маҳалла меҳр-оқибат, қадр ва қиммат, саховат каби олижаноб фазилатлар шаклланадиган гўша. Кексаю ёшни, турли касб эгаларию миллат вакилларини бир оила фарзандлари каби жипслаштириб турадиган макон. Азал-азалдан маҳалла урф-одатлар, инсоний қадриятлар, анъаналарнинг тадрижий давомчиси, тарғиботчиси бўлибгина қолмай, маданий, маърифий ҳамда ижтимоий тарбия ўчоғи ҳисобланган.*

Истиқлол йилларида барча соҳалар қатори маҳаллалар нуфузини оширишга ҳам катта эътибор қаратилди. Унинг давлат ва жамиятдаги мавқеи янада ортди. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари маҳаллаларда ҳам ўз аксини топгани туфайли замон талабларига жавоб берадиган кўркам маҳалла идоралари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Шайхонтоҳур туманида жойлашган Чақар маҳалла идорасида ҳам иш қизғин. Маҳаллада олиб борилаётган кенг қамровли ишларнинг негизини аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, саломатликларини тиклаш ва ёрдамга муҳтож оилаларга кўмак бериш борасидаги чора-тадбирлар ташкил этади. Маҳалла идораси, 55-оилавий поликлиника ва бошқа маиший хизмат бинолари кўзни қувонтиради. Маълумки, бундан бир неча ой аввал сайловлар асосида маҳалла оқсоқоллари сайланган эди. Маҳалла аҳли ишончини қозониб, кўпчилик овоз билан сайланган оқсоқол Ҳусан Файзиев маҳалладошлари билан ҳамкорликда кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда.

— Сайловдан кейинги фаолиятимиз анча салмоқли бўлди, — дейди биз билан суҳбатда оқсоқол. — Ҳудудимиздаги ҳар бир ташкилот, хўжалик ва хонадонларга бориб, фуқароларимизнинг яшаш шароитини ўргандик. Кам таъминланган, ётиб қолган қариялар, боқувчисини йўқотган оилалар, ногирон фуқаролар рўйхатга олинди. Уларни ҳудудимиздаги ташкилотларга бириктириб, шу асосда ёрдам берилмоқда. Жумладан, шаҳар санитария эпидемиология раҳбарияти билан биргаликда ўн нафар қарияларнинг соғлиғи назоратга олинди. Ўзгалар ёрдамига муҳтож ёлғиз яшовчи икки нафар пенсионер доимий равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланаяпти. Кам таъминланган оилаларга жорий йилнинг ўтган даврида 4,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

"Мурувват-текс" ўзбек-турк қўшма корхонаси, Асака автосалони, Бенков номидаги рассомчилик коллежи ва бошқа ташкилотларни ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келаётган саховатпешалар сифатида эътироф этиш мумкин.

Маҳалладошларимиз соғлиғини мунтазам назорат қилиш мақсадида энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган оилавий поликлиника фаолият кўрсатмоқда.

Маҳалла ёшлари билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида маҳалла идорасида тўгараклар ташкил этилган. Республика ўқувчилар саройининг малакали ўқитувчилари ёшларга рус ва инглиз тилидан пухта билим бериб, тўқиш, мунчоқ тикиш, японча оригами сирларини ҳам ўргатмоқдалар. Японча оригами бўйича ўтказилган конкурсда Аббос Исмоиловнинг 3-ўринни эгаллашининг ўзиёқ тўгараклар болаларда нечоғлик қизиқиш уйғотганини англатади. Қолаверса, маҳалла билан "Жар" спорт мажмуаси ўртасида тузилган шартномага асосан болалар сузиш, бадиий гимнастика, футбол каби машғулотларга мунтазам қатнашмоқда.

Шунингдек, маҳалладаги ногирон болалари бор оналарнинг "Умид" уюшмаси ташкил этилиб, дастур асосида иш олиб борилаяпти.

7100 нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳалла ҳудудининг тозалиги, озодалигини таъминлаш учун ҳашарлар уюштирилади. Унда аҳоли билан бир қаторда Кўк Тош, Охунбобоев, Иноқ, Шиддат, Фурқат, Оҳанграбо каби ширкат аъзолари ҳам фаол иштирок этишади.

Бир сўз билан айтганда, аҳилликнинг асл макони бўлмиш маҳаллада ҳар доим иш қизғин. Бу даргоҳ фуқароларнинг дарду ташвиши, муаммо ва ютуқлари билан ўртоқлашади, оғирини енгил қилишга кўмаклашади. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, маҳалла — камдан-кам мамлакатда мавжуд бўлган ноёб идора. Бу маскан миллий қадриятларимизни асраб-авайлашда, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлашда, ёшларимизни комил инсон этиб тарбиялашда муҳим рол ўйнаб келмоқда.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА**

# ҲАҚ ҚАРОР ТОПМОҚДА

Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасидаги "Исломобод" маҳаллалараро гузарида Ўзбекистон Республикасининг 15 йиллигига бағишланган байрам дастури "Ҳақ қарор топмоқда" деб аталган эди. Ҳақиқатан ҳам истиқлол йилларида бутун мамлакатимизда бўлгани каби бу даҳа аҳолиси ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар юз берди, турмуш фаровонлашди, ҳудуд ободонлашди. Янги жамоа бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди, энг муҳими, миллий қадриятларимиз қайта тикланди — ҳақ қарор топди. Масалан, шўролар тузуми даврида бу даҳадаги 12 асрлик тарихга эга бўлган шайх Зайниддин бобо қабристони "Вилоят мозористони" деб, бу қабристондаги хилхоналар "Микоян хилхонаси", "Литвинов хилхонаси", "Авангард хилхонаси" деб таҳқирланишгача етиб борган эди. Истиқлол шарофати билан тарихий номлар қайта тикланди. Бугина эмас, даҳа ҳудудидаги кўчаларга миллий истиқлол учун курашган халқ қаҳрамонларининг, атоқли жамоат, фан ва маданият арбобларининг номлари берилди.

Эндиликда "Исломобод" таниб бўлмас даражада гўзал қиёфага кирди. Бу ерда минораси 55 метр бўлган, ёпиқ биноларида бир йўла 12 минг киши намоз ўқий оладиган шайх Зайниддин бобо жомеъ масжидининг янги биноси, кўпгина маиший хизмат кўрсатиш хоналарига эга тўйхона биноси ва шу каби иншоотлар қурилди. Маннон Уйғур кўчасининг катта қисми кенгайтирилди. Йиғилишда таниқли ёзувчи Абдуқаҳҳор Иброҳимов Кўкча даҳасининг тарихи ва бугуни ҳақида, истиқлол йилларида эришилган маънавий муваффақиятлар тўғрисида сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари шу атрофда жойлашган 6 маҳалла аҳолиси иштирокида Оқилон маҳалласи ҳудудида бўш ётган катта майдонда "Кўкча деҳқон бозори"ни ҳашар йўли билан қуришни мақсадга мувофиқ деб топишди.

**Ўз мухбиримиз**

# ЭЛ ТАШВИШИДА

"Тошлоқ" маҳалласи шаҳар марказида жойлашган бўлиб, Жиззахнинг кўпмиллатли аҳоли пунктларидан бири. Бу ерда 810 оила истиқомат қилади. Маҳаллага оқсоқоллик қилишнинг ўзига яраша масъулияти бор. Унинг ташвишига чидаган, эл дардини ўз дарди деб биладиган кишигина фаолият кўрсата олиши мумкин. Шу боис, кейинги йилларда тез-тез оқсоқол алмашиб турарди. Бу фаоллар ўртасидаги муносабатга ҳам таъсир этмай қолмади. Ҳатто, эл орасида мунтазам бўлиб турадиган тадбирлар ҳам ўтказилмай қолди. Бу орада тажрибали, умри эл хизматида ўтган Усмонқул Эшонқулов шаҳар ҳокимлиги томонидан оқсоқолликка тавсия қилинди. Маҳалла аҳли номзодга ишонч билдириб, бир овоздан очиқ сайлов йўли билан сайлашди. "Қани, нима каромат кўрсатар экан", деганлар ҳам бўлди. Лекин Усмонқул ака ўзининг тажрибали, ташаббускор раҳбар эканлигини кўрсата борди. Унинг саъй-ҳаракати билан ёпилиб қолган гузарда тикувчилик ва зардўзлик цехи қайта очилди. Савдо шохобчаси, сартарошхона, кутубхона аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Фаолларнинг бошини қовуштириб, аввалгидек турли тадбирлар ўтказиладиган, байрамларда эл олдига дастурхон ёзиладиган бўлди. Хуллас, Усмонқул акага эл-юртнинг ишончи ортди.

Хўш, раиснинг бундан буёнги режалари қандай? Маҳалла ободлиги, эл фаровонлиги йўлида яна қандай ишларни амалга оширмоқчи? Бу борада уни қандай муаммолар қийнаяпти? Шу каби саволлар билан Усмонқул Эшонқуловни суҳбатга тортдик.

— **Маҳаллани ҳам ўзига хос кичик шаҳарчага қиёс қилиш мумкин. Шу ўринда дастлаб иш бошлаган пайтларингизга хаёлан қайтсак.**

— Ишни аҳоли ўртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлашдан бошладик. Бу борада маҳалла посбонлари, фаоллари менга камарбаста бўлишди. Кейин кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиб, уларга кўмак бердик. Шу ўринда тадбиркорлардан Темур Тожибоев, Мақсуд Ҳайдаров, Мели Ҳожибобо каби фидойиларни айтиб ўтишни хоҳлардим. Уларнинг ёрдами билан кам таъминланган, кўп болали оилаларни байрам кунлари йўқлаб турдик. Каромат Нарзиқулова ва Муҳаммадиевлар оилаларига соғин сигир берилишида ҳам, албатта, ҳомийларнинг хизмати жуда катта бўлди.

— **Ҳар бир ишнинг ўзига хос қийинчилигию муаммолари бўлади...**

— Ҳудудимизда сув танқислиги, кўп қаватли уйларнинг таъмирланиши асосий муаммолардан. Уларни босқичма-босқич ҳал қилиб боришни режалаштирганмиз. Жорий йилда еттита кўп қаватли уйни таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, Гавҳар кўчасини асфальт қилиш, гузаримизда беш юз ўринли тўйхона қуриш ниятимиз бор. Бу борада вилоят ҳокимлиги бизга катта ёрдам бераётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

— **Маълумки, маҳалла раислигига ўтказилган сайловда ҳар бир номзод ўз дастурини илгари суради.**

— Ҳа. Аёлларнинг ишсизлиги маҳалламизнинг долзарб муаммоларидан бири. Ҳозирда маҳалламизда зардўзлик ва тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Уларда ҳар ойда ўндан зиёд қиз ҳунар ўрганишмоқда. Бундан ташқари, маҳалла гузарида маиший хизмат шохобчалари — новвойхона, сартарошхоналарнинг ишга тушганлиги туфайли ўн-ўн беш киши иш билан таъминланди.

Маҳалламиз ҳудудида катта савдо мажмуаси ҳам қурилмоқда. У ишга тушгач, 25-30 чоғли киши иш билан таъминланади. Шаҳримизда меҳнат бўлими томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, кўпгина ишсиз юрган ёшлар иш билан таъминланишмоқда.

**Суҳбатдош: Зуҳра МАМАДАЛИЕВА**

***Оталар дуоси — эл муддаоси***



# Касаба уюшмалари ва «ҳалқ дипломатияси»

*(Боши 1-бетда).*

Мазкур камчиликларни бартараф этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашлари ва тармоқ марказий кенгашларига жамоа келишувларини экспертиза қилишни йўлга қўйиш, сифатини ошириш, жамоа келишувлари бажарилишини қатъий назорат қилиш, ярим йиллик ва йиллик натижаларни қўшма қарор асосида мунтазам муҳокама қилиб бориш, иш ҳақидан қарздорликни доимий равишда мониторинг қилиб бориш йўлга қўйилмоқда.

Ходимларни иш билан таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиш шартлари, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат таътилларининг муддатларига оид тадбирлар бажарилиши тегишли равишда 92,3 ва 93,8 фоизга таъминланди. Республика бўйича 186 минг нафардан зиёд ходим қайта ўқитилиб, малакасини оширган бўлса, шундан 160 мингтаси жамоа келишувлари ва шартномалари орқали иш берувчилар ҳисобидан ўқитилди.

Жамоа шартномаларининг мазмуни, уларни қонун талабларига мослаштириш борасида айрим муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Баъзан жамоа шартномаларида касаба уюшма қўмиталарининг обрўсини оширишга, уларга ходимларнинг корхонадаги чинакам ваколатли, тенг ҳуқуқли орган мавқеини беришга қаратилган асосий талаблардан бири — ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан фақат касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олган ҳолда бекор қилиш мумкинлиги масаласи акс эттирилмаяпти.

Жамоа шартномаларининг савияси ҳали етарли даражада эмас. Шунинг учун ҳам касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг қарори билан жорий этилган жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш ва қабул қилинганларини рўйхатдан ўтказиш тартиби ушбу жараёнга ижобий таъсир кўрсатишнинг бирдан-бир йўлидир. Ушбу масалага жиддий ёндошилган жойларда жамоа шартномаларининг савияси кўтарилмоқда.

Шунингдек, касаба уюшма етакчилари, мутахассислари қонун яратувчилик фаолияти бўйича Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари ишида фаол қатнашиб келишмоқда. Фуқаролар манфаатига боғлиқ бирор қонун лойиҳаси касаба уюшмалари диққат марказидан четда қолгани йўқ. Хусусан, шу кунгача қонун лойиҳалари тайёрлаш ва муҳокама қилиш жараёнида мутахассисларимиз томонидан юздан ортиқ таклифлар киритилиб, уларнинг аксарияти қабул қилинди.

Ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида ҳам бир қатор ишлар қилинмоқда. Хусусан, суд орқали ҳимоя қилиш деб аталмиш янгича шаклдаги вазифа биринчи ўринга чиқди. Касаба уюшма аъзосини ҳимоя қилиб судга берилган даво аризасига биноан ўтган беш йил ичида 400 дан зиёд иш қўзғатилди, ходимларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги 25 мингдан зиёд ёзма шикоят ва аризалар кўриб чиқилди, мурожаатларнинг 60 фоизидан кўпроғи ижобий ҳал қилинди, 77 мингта оғзаки мурожаатлар юзасидан тушунтиришлар берилди.

Ўтган йилнинг ноябр ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойида бундан буён касаба уюшмалари маҳаллаларга ҳам чуқурроқ кириб бориши кераклиги ҳақидаги масала ўртага ташланган эди. Нега буни ёдга олдик? Сабаби, маҳалла институти биз муҳокама қилаётган асосий мавзу — фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда ўз ўрни ва мақомига эга. Бугунги кунда маҳалла ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим бўғини сифатида қуйи ҳокимиятнинг баъзи вазифаларини тўлиқ ёки қисман бажариб, шаклланиб келаётган фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий бўғинига айланиб бормоқда.

Аммо, назаримда, баркамол авлодни тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, одамларни турли ахборотлардан баҳраманд этиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришда маҳалланинг ҳали фойдаланилмаган имкониятлари кўп. Буларнинг барчасини касаба уюшмалари ва маҳалла ҳамкорлиги асосида амалга ошириш йўлларини излаш, ўйлаб кўриш фурсати келди деб ҳисоблайман.

Эътибор беринг, ***агар касаба уюшмалари меҳнат жамоалари, корхона ва ташкилотларда ижтимоий барқарорликни таъминлашда масъул бўлсалар, маҳалла аҳолиси ўртасида эса ушбу вазифани маҳалла фуқаролар йиғини бажаради.*** Энди маълум бир маҳалла ҳудудида жойлашган корхона шу ҳудуднинг ижтимоий барқарорлигига таъсир кўрсатадими? Албатта, кўрсатади. Демак, бу жиҳатдан ҳам касаба уюшмалари ва маҳалла қўмиталари ҳамкорлиги истиқболлари ўзига хос дейиш мумкин.

Айни пайтда жойлардаги, айниқса, маҳаллалардаги мавжуд аҳволни ўрганиш, иш ўринларига бўлган талабни, уларнинг йўналишини таҳлил қилиш мақсадида «Маҳалла» жамғармасининг жойлардаги бўлимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва тармоқ касаба уюшмалари ходимларидан иборат гуруҳлар иш олиб боришмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатига ўтиш даврида баъзи корхона ва ташкилотларнинг қисқарганлиги, тўхтаб қолганлиги, қишлоқ хўжалигида ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжалигига айлантирилиши натижасида бир мунча муаммолар пайдо бўлмоқда.

Касаба уюшмалари ушбу муаммолар ечими устида ҳам иш олиб бормоқдалар. Фермер хўжаликларига айлантирилган ширкат хўжаликларидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг фаолияти амалдаги Низом талабларига мувофиқ тугатилиб, улар негизида ташкил этилаётган фермер хўжаликларида касаба уюшма гуруҳлари тузилаяпти.

Бу жиҳатдан Фарғона вилоятида олиб борилаётган ижобий ишларни намуна қилиб кўрсатса арзийди. Фермер хўжаликларида касаба уюшма фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Ёзёвон, Олтиариқ, Риштон, Фарғона туманларида бир неча бор ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди ва қатор услубий қўлланмалар тайёрланиб, жойларга етказилди.

Шу йўналишда вилоятдаги 73 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари (ҚФЙ) ҳудудидаги фермер хўжаликлари касаба уюшма гуруҳлари ташкилотчиларининг жамоатчилик асосидаги ҳудудий кенгаш бўйича касаба уюшмаси туман кенгашларининг вакиллари тайинланди. Тасдиқланган Низомга кўра мазкур Вакил — ҳудудий кенгаш раиси этиб сайланди.

Фермер хўжаликлари касаба уюшма гуруҳлари ташкилотчиларининг ҚФЙ бўйича ҳудудий кенгаши (вакиллиги) касаба уюшма хизмати кўрсатиш бўйича собиқ тузилмадан сезиларли даражада афзалликларга эга эканлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу боисдан бу жараён юртимизнинг барча вилоятларида тезкорлик билан амалга оширилмоқда.

Касаба уюшмалари жамиятнинг маданий-маърифий янгиланишида, юксак ахлоқийликнинг қарор топишида, шахсга ҳурмат-эҳтиром, одамларда шахсий қадр-қиммат ҳис-туйғуларининг ортиши, соғлом турмуш тарзининг шаклланиши, касаба уюшма аъзолари ва меҳнаткашларда юксак ватанпарварлик туйғулари, мустақиллик мафкураси, ўз ватани билан фахрланиш, қўйингки, жамиятимиз тараққиётига хизмат қилувчи барча эзгуликларни тарбиялашда фаол иштирок этиб келмоқда.

Корхоналар, муассасалар, ўқув юртлари ва касаба уюшма ташкилотларининг биргаликдаги тасарруфида маданий-маърифий ва спорт муассасаларининг кенг тармоғи мавжуд. Мазкур масканларда меҳнаткашлар ва ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларга юксак ахлоқий меъёрларни сингдириш, фикрлаш доирасини кенгайтириш ва миллий ифтихор туйғуларини кучайтиришга кўмаклашадиган тадбирлар ўтказилади.

Болалар спортини ривожлантиришга қаратилган ҳукумат қарорлари, Президент фармонлари доирасида касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятида қарийб миллион аъзога эга 67 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатади. Улардан 18 таси ихтисослашган олимпия заҳиралари мактаблардир. Касаба уюшмалари маблағлари ҳисобига болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини маънавий ва жисмоний жиҳатдан ривожлантириш соҳасида ечимини кутаётган бир қатор муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, аксарият корхоналарга қарашли маданият уйлари, саройлар ва клублар капитал таъмирга муҳтож. Маблағ йўқлиги туфайли кейинги 5 йил ичида 350 дан зиёд клуб, маданият уйлари ва 229 та кутубхона ёпилди ёки бошқа мақсадлар учун бериб юборилди. Ушбу масалалар бўйича Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармалари ҳамда ижодий бирлашмалар билан ўзаро ҳамкорлигимиз ҳали кўнгилдагидек эмас. Шу боис бугун биз улар билан ҳамкорликнинг янги шаклларини излаб топишимиз зарур, токи, бу йўналишдаги ишларимизнинг ривожига хизмат қилсин.

Касаба уюшмалари Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган олижаноб ишлардан четда қолмайди. Улар давлатимизнинг ижтимоий йўналишдаги барча дастурларида фаол иштирок этиб келадилар. Жумладан, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» ҳам бундан мустасно эмас. Бунинг учун аниқ тадбирлар белгилаб олинган. Жамоа шартномалари ва битимлари орқали кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, уруш ва меҳнат фахрийларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш режалаштирилган. 9 та ихтисослаштирилган тиббий муассасага, болалар уйларига 80 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатиш режалаштирилган ва бу борада анча ишлар қилинди.

Касаба уюшмаларининг жойлардаги ваколиликлари ҳам ушбу йўналишда муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Масалан, биргина Қашқадарё вилоятида «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурига асосан маданий-маърифий ва спорт ишлари янада жонлантирилди. Касаба уюшмалари маблағларидан болалар спортини ривожлантириш учун 231 миллион сўм ажратилди. «Насаф» марказий ўйингоҳини реконструкция қилиш ва спорт залини таъмирлашга 485 миллион сўм сарфланди.

Бундан ташқари, йил давомида кам таъминланган, ёлғиз, кўп болали оилалар, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, уларга совға-саломлар топшириб келинмоқда. Шунингдек, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар билан моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ана шу мақсадлар учун жорий йилнинг 8 ойи давомида 757 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Болалар уйлари, қариялар ва ногиронлар интернатлари, тиббиёт муассасаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда у ердаги одамларга маънавий кўмаклашиш мақсадида ҳудудий ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашларига 49 та муассаса бириктирилган. 2006 йилнинг ўтган даврида уларнинг барчасига қарийб 76 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Касаба уюшмалари савоб ишларни бундан кейин ҳам давом эттираверади.

Федерация ва унга аъзо ташкилотларнинг халқаро фаолияти ҳақида гап кетганда, айтиш жоизки, у қабул қилинган Дастурга мувофиқ амалга оширилмоқда.

Федерация кенгаши касаба уюшмалари Халқаро Конфедерациясининг Сингапур ва Москвадаги ваколиллиги билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Москвадаги ваколиллик кўмагида касаба уюшма ҳаракати долзарб муаммолари юзасидан бир неча марта биргаликда халқаро семинарлар ўтказилди. Хитой, Япония ва Ҳиндистон, МДҲ мамлакатлари миллий касаба уюшма марказлари билан, шунингдек, Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун Халқаро Меҳнат Ташкилотининг минтақавий бюроси билан меҳнат соҳасига асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқлар, бандлик, ижтимоий муҳофаза ва ижтимоий мулоқот — жами тўртта стратегик вазифалар доирасидаги ҳамкорлик ривожланиб бормоқда.

Халқимиз Ватанимиз Мустақиллигининг 15 йиллигини катта шодиёналар билан нишонлади. Мустақиллик йилларида касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг мазмун ва моҳияти тубдан ўзгараяпти. Барча соҳалардаги ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали халқ фаровонлигини таъминлаш, меҳнаткашларни, айниқса, ёрдамга муҳтож, кўп болали оилалар, кекса, ёлғиз қариялар, ногиронлар, ёш болали оилаларга бўлган ғамхўрликни кучайтириш борасидаги ишлар ўз самарасини бера бошлади.

Мухтасар қилиб айтганда, биз барча соҳаларда эволюцион изчиллик хусусиятларига эга бўлган ислоҳот ва ўзгаришлар тарафдоримиз ва шу йўлдан оғишмай бораяпмиз. Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида изчил, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги кунда меҳнаткашларимиз, касаба уюшма фаоллари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнлари, энг муҳими, мустақилликни мустаҳкамлаш, бу борада касаба уюшма фаоллари, қолаверса, ҳар биримизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Шуни доим ёдда тутмоғимиз лозим.

**Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ**
**ёзиб олди**

# ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ

## саноат корхоналари тараққиётига боғлиқ

*(Боши 1-бетда)*

Корхоналарни молиявий соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида чорак мобайнида зарар кўриб ишлаган 143 та корхонадан 98 таси, яъни 68 фоизи ўз зарарини қоплаб, фойда билан ишлашга ўтди. Жорий йилнинг олти ойида Тошкент шаҳрида зарар кўриб ишлаётган корхоналар 45 тани ташкил қилди.

Иқтисодий ночор аҳволдаги 46 корхонадан 20 таси (43 фоиз) ўз муддати ўтган кредиторлик қарзларини қоплаб, тўловчанлик қобилиятини тиклади. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида иқтисодий ночор корхорналар сони 26 тани ташкил қилади.

Корхоналарни зарар кўриб ишлашдан ва иқтисодий ночорликдан чиқариш мақсадида аниқ режалар белгилаб олинган бўлиб, шу режа асосида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, "Зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор, истиқболсиз корхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгартириш бўйича Тошкент шаҳар ҳудудий дастури" ишлаб чиқилган. Ушбу дастурга киритилган 36 та корхонадан 26 тасида олиб борилган ишлар натижасида уларнинг молиявий аҳволи яхшиланишига эришилди. Иқтисодий ночор корхоналарнинг 15 тадан 8 таси (жумладан, "Ўзбек қоғози", "Антикор" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Ўзэнергосозлаш" унитар корхонаси) муддати ўтган кредиторлик қарзларини тўла қоплади. Ҳудудий дастурни бажариш давомида ички имкониятлардан фойдаланиш ҳисобига 48,9 миллиард сўм тушум қилинган бўлиб, шундан 39,1 миллиард сўми дебиторлик қарзларини ундириш, 7,7 миллиард сўм тайёр маҳсулот қолдиқларини сотиш ҳисобига бўлди. Шу билан бирга корхоналарда 36 та янги иш ўринлари ташкил этилиб, 209 та иш ўринлари қайта тикланди.

Шунингдек, "Ўзбек қоғози" очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми ўртача 2,4 маротабага ошди. "ТошТМЗ", "Мехмост", "Электрогаз" очиқ акциядорлик жамиятларида ўртача ойлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми 40-50 фоизга, 20 та корхонада ўртача ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми 20-40 фоизга ўсиб, юқори натижаларга эришилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 февралдаги 6-сонли баённомасига асосан, ҳукумат томонидан берилаётган амалий ёрдам натижасида "ТТЗ", "Тошқишлоқмаш", "Ўзпахтамаш", "Фотон" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Сувсоз" корхоналарини молиявий соғломлаштириш борасида ижобий силжишлар рўй бермоқда.

Бундан ташқари, 3 та корхона ("Юлдуз", "Упакмашавтомат" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Растр" қўшма корхонаси) таркибий ўзгартириш дастурининг бажарилишида ижобий силжишлар бўлмагани туфайли уларга нисбатан банкротлик таомили қўлланилди.

Шу йилнинг 6 ойида зарар кўриб ишлаган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли истиқболсиз корхоналардан 26 таси молиявий соғломлаштириш ва таркибий ўзгартириш бўйича ҳудудий дастурнинг иккинчи босқичига киритилди. "Агрегат заводи", "Ўзбекқишлоқмаш", "Мотор заводи", "Алгоритм", "Ўзбекистон Шампани" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Тошметроқурилиш", "Тошиссиқликқуввати" ИЧБ ва "Сувсоз" корхоналарининг мавжуд муаммолари муҳокама қилиниб, уларни молиявий соғломлаштириш ва таркибий ўзгартириш юзасидан тегишли давлат ҳокимият идоралари ва хўжалик бирлашмаларига вазифалар юклатилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан белгиланган барча вазифалар нафақат шаҳримиздаги, балки мамлакатимиздаги барча корхоналарни молиявий соғломлаштиришга қаратилгандир. Корхона барқарор ишласа, демак, моддий неъматлар кўпроқ яратилади. Бу эса ўз навбатида аҳоли катта қисмининг иш билан таъминланишига, ишсизлик даражасининг камайишига, инфляциянинг пасайишига олиб келади. Зотан, ана шу омиллар асосида халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошади.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА**




Самарқанд туманида «Агромир» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси иш бошлаганига 3 йил бўлди. Бу ерда бир кеча-кундузда 800 тонна помидор, 350 тонна мева қайта ишланиб, йилига 32 турдаги 10 миллионта консерва банкалари тайёрланади.

Корхона раҳбари Умарқул Ҳамроқуловнинг айтишича, бу йил Россия, Украина, Қозоғистон давлатларига экспорт қилинган маҳсулотдан 3 миллион 500 минг АҚШ доллари миқдорида даромад кўриш кутилмоқда.

**Суратда: ишчи Зуҳра Расулова**

# ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК

## даромад манбаи

Жамоа аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий имкониятлари кенгайишига кўмаклашиш, бу борада зарур имкониятларни қидириб топиб ишга солиш ҳар бир ташкилот ва муассаса раҳбарининг муҳим бурчи ҳамда вазифаси. Бу соҳада Норин туманидаги 11-мактабда қилинаётган ишлар диққатга сазовор.

Бундан икки-уч йил илгари мактаб агроучасткасида терак қаламчалари етиштириб сотилаётгани, ундан тушган маблағдан мактаб моддий-техника базасини кучайтириш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаш, ана шундай оилаларнинг фарзандларига ўқув қуроллари ва кийим-бош олиб бериш мақсадлари учун фойдаланилаётгани ҳақида эшитгандим. Яқинда ушбу билим даргоҳига йўлим тушиб, бу нарсага ўзим ҳам гувоҳ бўлдим.

— 70 сотихга яқин агроучастка майдонимиз мавжуд, — дейди мактаб директори Бахтиёр Мирзаев. — Табиийки, биз ундан ўқувчиларимизнинг дарсда олган билимларини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини амалий ишлар билан боғлаш мақсадларида фойдаланамиз. Лекин давр олдимизга мавжуд имкониятдан янада самарали фойдаланишни тақозо этаётир.

**Намуна**

Бугунги кунда мактабда 46 нафар муаллим ёшларга таълим-тарбия бериш билан машғул. Улардан тўрт нафари олий, 26 нафари биринчи тоифали. Лекин беш бармоқ баробар бўлмаганидек, уларнинг моддий турмуш даражаси ҳам ҳар хил. Шунинг учун маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси жамоа аъзоларининг турмуш даражасини эътиборга олиб, мактаб ёрдамчи хўжалиги ҳисобига уларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

— Бундан беш йил муқаддам 20 сотих майдонга терак қаламчасини экиб чиққан эдик, — давом этади суҳбатдошимиз. — Иккинчи йили ниҳол сотиш ва ундан келаётган даромаддан юқорида тилга олиб ўтилган мақсадлар учун фойдаланишни бошладик. Бу иш шундан бери ҳар йили такрорлаб келинмоқда. Жумладан, бу йил ҳам терак кўчатларини сотишдан 600 минг сўмдан кўпроқ даромад олдик. Ундан кам таъминланган ходимларни иқтисодий қўллаб-қувватлашдан ташқари туман ва вилоят фан олимпиадаларида қатнашган ўқувчиларга моддий ёрдам кўрсатдик. Бу ишларни уюштиришда иштирок этган ўқитувчиларга 10 минг сўмдан, ўқувчиларга эса 5 минг сўмдан пул тарқатилди. Шунингдек, бир неча нафар мактаб хизматчисига моддий кўмак кўрсатилди.

Бошқа соҳалар бўйича ҳам ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилган. Чунончи, чорвачилик ёрдамчи хўжалигида беш бош қорамол парвариш қилинмоқда. Икки бош сигирдан олинаётган сут куни узайтирилган гуруҳлардаги ўқувчиларга берилади. Шунингдек, байрамларда жонлиқ сўйилиб, гўшти арзон нархларда ишловчиларга тарқатилмоқда.

Кези келганда, мактаб ҳисобида "Т-28" маркали трактор ва пайвандлаш аппарати мавжудлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

— Ёрдамчи хўжалигимиздан олинаётган даромад ўқитувчиларга қулай меҳнат шароити яратиш, ишдан сўнг ва таътил даврини хуш ўтказишларида ҳам асқотмоқда, — деди суҳбатдошимиз Б.Мирзаев. — Масалан, жамоамиз аъзолари Косонсой ва Чуст туманларига саёҳат қилдилар. Андижон шаҳрига бориб ҳордиқ чиқариб қайтдилар.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

**Замондошларимиз**

# ҲАЁТ ШУКУҲИ

## одамларга мудом наф келтиришдадир

***Бу кишининг қилган, қилаётган ишлари ҳақидаги суҳбатларни эшитганда Мирзо Бобурнинг «Бори элга яхшилик қилғилки, ондин яхши йўқ. Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик» — деган шоҳ сатрлари ёдга тушади.***



Эгамберди ака Каттақўрғон шаҳар газлаштириш идорасида чилангар бўлиб ишлаб юрган ёшлик йилларидаёқ юксак орзу-мақсадларни юрагига туккан эди. Шундай истаклар билан Тошкент сари йўлга отланди. Омадни қарангки, ниятига етди — Тошкент политехника институти (ҳозирги Техника университети) қурилиш факультети талабаси бўлди. Таҳсилни тугатиб, 1972 йилда яна ўзи ишлаган қадрдон даргоҳга қайтди. Ғайратли, меҳнаткаш, изланувчан йигит уч-тўрт йилда уста лавозимидан бош муҳандисликкача кўтарилди. Шу даврда ҳалоллиги билан обрў қозонди, ташкилотчилик фазилатларини намоён қилди. Мана, чорак асрдан кўпроқ вақт ўтибдики, турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келаяпти. Аммо шунга қарамай, ўзига бино қўймади, камтарликдан йироқлашмади. Каттақўрғоннинг энг ҳурматли кишилари ҳақида сўз кетганда, Эгамберди Мустафоқуловнинг номи биринчилар қаторида тилга олиниши эҳтимол шундандир.

— Бошқача таъриф берилса, лавозим дегани эл манфаати учун бажарилиши зарур бўлган вазифалар мажмуидир, — дейди Эгамберди ака. — Зиммангдаги масъулият ва мажбурият кўламини теран англагандагина сенга билдирилган ишончни тўла оқлаш мумкин.

Каттақўрғон туман газлаштириш идораси ташкил этилганда Э.Мустафоқуловни ана шу ерга ишга юборишди. Ўша вақтдаги шароитни кўрган кишининг капалаги учиши шубҳасиз эди. Чунки бутун идора, ташкилот иккитагина вагончада жойлашган эди. Корхона ишини йўлга қўйиш, шароитни талаб даражасига етказиш осон бўлмади. Жамоа уни қўллаб-қувватлади. Ишлаб чиқариш режаларини бажариш, ходимлар манфаатдорлигини ошириш билан бирга ижтимоий масалалар ечимига ҳам имкон топди. Қисқа вақтда 2 қаватли маъмурий бино, лимонарий, дам олиш мажмуи, спорт зали қурилди. 3 гектарли боғ бунёд қилинди. Шу йилларда аҳолини газ билан таъминланиш даражаси 19 фоиздан 87 фоизгача етказилди. «Олтинсой» газ тақсимлаш станцияси қурилди.

Айниқса, мактаблар ва болалар боғчаларига катта ёрдам кўрсатилди. 21-болалар боғчаси тўлиқ оталиққа олинган эди. Яна иккита мактаб, Дурбеш қишлоғидаги шифохона газчиларнинг доимий кўмагини ҳис қилиб туришади. Шунинг учун Э.Мустафоқулов 2000 йилда «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ҳомийси» нишонига сазовор бўлди.

Шаҳар «Сувоқова» ишлаб чиқариш бошқармасига қайтиб келганда ҳам ана шу жиҳатларга жиддий эътибор берди. Бундан ташқари, корхона ҳудудига туташ Миёнкол, Ғафур Ғулом, Ёрмуҳамедов номли кўчаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга киришди. Театрдан, футбол жамоасидан ёрдамини аямади. Сармозор маҳалласи оқсоқоли билан тез-тез учрашиб, мавжуд аҳвол, зарурий тадбирлар хусусида фикрлашиб, маслаҳатлашиб туради. Шу маҳаллада маиший хизмат мажмуини қуриш режаси ҳам ана шундай мулоқотларда туғилган.

Унинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилган ишлар ҳақида сўз очганимизда, гапни бошқа томонга буриб юборди:

— Шаҳримиз сув таъминотида ҳали муаммолар бор. Кўп йиллар хизмат қилган эски қувурларни алмаштириш керак. Сув иншоотидан туғруқхонагача бўлган қувурларни таъмирлаш вақти келди. Зарифобод маҳалласида, 4-,17-мактабларда артезиан қудуқлар қазиш, ўрнатиш мўлжалланган, — дейди у ўйчангина. — Бунинг учун катта маблағ зарур. Энг муҳим вазифа артезиан қудуқлари насосларини Каттақўрғонда таъмирлашни йўлга қўйишдир. Бу юмушнинг уддасидан чиқсак, катта маблағ тежалади.

Эгамберди аканинг бировларга ғалатироқ туюладиган одати шуки, доим бирор юмуш излаб топади. Доимо янги фикр-режа муҳокамаси билан банд. Мана шу нарса унга доимо куч-қувват бериб турган бўлса, ажаб эмас.

**Марғуба**
**РАЖАБОВА**

*Қарор ва ижро*

# ТАДБИРКОРЛАРГА ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

***Бугунги кунда дори воситалар экспертизаси ва стандартизацияси давлат марказининг Андижон вилоят ҳудудий бўлими томонидан рўйхатдан ўтиб, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб тадбиркорларни учратишимиз мумкин. «Фокс-плюс» масъулияти чекланган жамият ана шундай корхоналардан бири.***

— Биз асосан пипетка-тиббий томизгичлар ишлаб чиқарамиз, — дейди жамият раҳбари Қосимжон Тешабоев. — Маҳсулотимизни ишлаб чиқаришдан аввал бозорни ўргандик. Тиббий томизгичларга бўлган эҳтиёжни кўриб, шу юмушларни йўлга қўйганмиз. Яхши ниятлар билан бошлаган ишимиз ўз натижасини берди. 2005 йил давомида товар айланмаси 27 миллион 734 минг сўмни ташкил этди. Тайёр маҳсулот вилоят ва пойтахтдаги улгуржи савдо билан шуғулланувчи дорихоналарга етказилмокда.

14 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган мазкур жамоанинг режалари катта. Келажакда улар тиббиёт учун зарур бўлган вазелин, резина қўлқоплар ва болалар тиббий упалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқчи. Ана шу мақсадларга эришишда хориждан керакли технология, хомашё олиб келиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий шароитда дори-дармон воситалари ва тиббиёт асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра маълум муддатда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланадиган ва сотиладиган дори-дармонлар, тиббиёт буюмлари, шунингдек, олиб келинадиган хомашё материаллари қўшилган қиймат солиғидан озод этилди.

Шу билан бирга 2006 йил 1 июлдан бошлаб дори-дармон ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарга Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан ҳам солиқ имтиёзлари татбиқ этилиши назарда тутилган.

**Жаҳонгир ЭГАМНАЗАРОВ,**
**Андижон вилоят Давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати ходими**




Жарқўрғон туман Марказий шифохонасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ҳududдаги юқумли касалликлар шифохонаси, сил касалликлари диспансери, 2 та поликлиника ва 14 та қишлоқ врачлик пунктида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

**Суратларда: ҳамшира Севара Маҳмудова (юқоридаги сурат); туман соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма вакили Бибинор Ҳамроева (ўртада).**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар**



# ЖАВОБГАРЛИК САВДОСИ

*Пахтачи тумани прокуратураси ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛКК, туман ДСИ ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркаларни жорий этиш тартиби тўғрисида»ги қарори ижроси текширилганда қатор қонунбузилишлар аниқланди.*

*Масалан, Сурайё Мирсоатова 1971 йилда Навоий туманида туғилган, Пахтачи тумани «Кўрпа» маҳалласида яшайди. «Султонобод» бозорида қалбаки акциз маркалари елимланган арoқ ва тамаки маҳсулотлари сотаётганлиги аниқланиб, моллари далилий ашё сифатида олинган.*

*Шунингдек, Анор Ражабова, Шоҳиста Норматованинг хусусий дўконларда спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари билан қонунга хилоф равишда савдо қилаётганликлари аниқланган.*

*Булар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 176-моддаси 1-қисми, 186-моддаси 1-қисмида кўрсатилган қалбаки акциз маркасини ўтказиш, алкаголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда муомалага киритиш жиноятларини содир қилганликлари судда тўлиқ тасдиқланди ва жазога тортилдилар. Каттақўрғонлик Дилфуза Ҳасанова ва Муқаддам Рўзиева ҳам қонунни четлаб ўтмоқчи бўлишди. Аммо бошига жавобгарлик савдоси тушди.*

**Р.ОЧИЛОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Пахтачи тумани суди раиси**

# ТИББИЁТЧИЛАР БЕЛЛАШИШДИ

Яқинда Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика олийгоҳи ўйингоҳида саломатлик посбонларининг ҳудудий спартакиадаси ўтказилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллик тўйи кунларида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланиб уюштирилган анъанавий спорт байрамида шаҳарда фаолият кўрсатаётган 500 нафардан зиёд тиббиёт ходимлари иштирок этдилар. Қатнашчилар 20 та жамоага бўлинган ҳолда спортнинг мини-футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка турлари бўйича ўзаро беллашишди. Мусобақалар қизғин ва муросасиз баҳсларга бой ўтганлиги билан кўпчилик эътиборини тортди. Мини футбол бўйича шаҳардаги 8-поликлиника ва марказий шифохона жамоалари совринли ўринларни қўлга киритишди.

Беллашувларда тиббиёт коллежи спортчиларига омад кулиб боқди. Илм масканининг эркаклар ҳамда хотин-қизлардан таркиб топган жамоаси рақибларидан устун эканини кўрсатиб, ғолиб бўлди. Жамоа вакилларидан М.Галиева стол тенниси, И.Тусматов эса шахмат бўйича фахрли ўринларни эгаллашди.

Ўз жамоаларининг шарафини муносиб ҳимоя қилган М.Ишанхонова шахмат бўйича, шашкачилардан Ш.Раҳматов (Болалар шифохонаси) ва Д. Назаровалар (ДСЭНМ) ҳам биринчи ўринга сазовор бўлишиб, ҳамкасбларидан анча маҳоратли эканликларини намойиш этишди. Мазкур спорт тадбири барчада катта қизиқиш уйғотгани таъкидланиб, ғолибларга шаҳар соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма вакиллиги томонидан таъсис этилган диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Одил ЭРГАШЕВ,**
**"Ишонч" мухбири**

*Жиноят ва жазо*

# ЯРИМ ТУНДАГИ ОЛИШУВ

*Аслида бундай кимсаларни инсон, деб айтишга тил бормайди. Аммо уларнинг ҳам икки оёғи ва икки қўли борлиги, тил-забонга эгалиги одам зотига мансублигидан далолат беради, холос. Инсон қиёфасида юрган, лекин қилмиши ваҳшийникидан қолишмайдиган бундай нусхаларни қандай қилиб ер кўтариб юрганлигига бошинг қотади...*

Ажабо, инсонга яхшилик, катталарга ҳурмат ва кичикларга ғамхўрлик, ҳалол меҳнат билан кун кечириш руҳи қарор топган халқимиз орасида бундай нусхалар қай тариқа пайдо бўларкин? Оила муҳитими? Тарбияси бузуқ гуруҳларга қўшилиб қолишми? Саводсизликми? Чамаси, гулзор орасида чақиртиканак ҳам қолганидек, улар ҳам табиатдаги қарама-қаршилик, иссиқ ва совуқ, яхшилик ва ёмонликнинг ёнма-ён келишининг бир кўриниши бўлса керак-да. Поплик Тўлқин Хожибоевнинг қилмишларини ўрганар эканман, шу кечинмалар хаёлимдан ўтди.

Мактабда деярли ўқиб-ўқимаган Тўлқин бошқа тенгқурлари қатори бирор касбнинг бошини тутиш, оила қуриб бола-чақалик бўлиш ўрнига 32 ёшигача жиноят қилиб улгурди ва судланди. Яхши отга бир қамчи, деганларидек, баъзилар бундай ҳолга тушса тегишли хулоса чиқариб, ҳаётларида бошқа адашмасликка интиладилар, хатоларини тузатиб оладилар. Бироқ Т.Хожибоев ишлашни, меҳнат билан ризқ-рўз топишни хаёлига келтирмади. Эгри йўллар билан пул топишга қизиқди. Башараси туппа-тузук кўринадиган, бутун қилмиши териси орасига яширинган бу кимса баъзи аёлларни бошини айлантириб ҳам улгурди. Яхшиликча гапга кирмаганларга четроқда бир ярим қарич узунликдаги пичоғини кўрсатиб:

— Ўлигингни искович ит ҳам тополмайди, — дерди пўписа қилиб.

Ана шундай йўл билан Тўлқинни "севиб" қолганлардан бири Заррена Носирова бўлди. Бироқ Тўлқин унга уйланишни хаёлига ҳам келтирмади, бошқа эрга ҳам "тегиш"га йўл қўймади. Кўнгли хоҳлаган пайтда у билан "дон" олишиб юришни маъқул кўрди.

Билмайин босдим тиконни, деганларидек Заррена Тўлқиннинг савлатига учиб танишди-ю, сал фурсат ўтиб кимлигидан хабар топгач, қутилиб кетишга уринди, аммо вақт кеч эди. Унга ҳам ана шу тиғи офтобда ялтирайдиган пичоғини рўпара қилди:

— Мендан ўлганингдан кейингина қутилишинг мумкин.

Тўлқин шундай ҳаддидан ошдики, Зарренанинг боши калтакдан чиқмай қолди. Сал нарсага юз-кўзи аралаш мушт дўлдек ёғилар, тепкидан соғ жойи қолмасди.

Бир гал З.Носирова унга қонуний хотин эмаслигини, хоҳиши ўзида эканигини айтганида, Тўлқин уни аёвсиз калтаклади ва агар бошқа биров билан яқинлашганлигини эшитса, ўша куни ўлдиражаклигини эслатиб, ёнидаги пичоқни ўқтади. Заррена бу беҳуда эмаслигини, Тўлқин ҳеч нарсадан қайтмаслигини яна бир бор англаб етди ва бу золимдан қутилиш учун қўшни Тожикистон Республикасининг Конибодом туманида яшовчи қариндошиникига қочиб кетишга қарор қилди. Бунинг учун аввал Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрига борди. У ерда таниши, узоқ қариндоши Олимжон Бурхонов билан кўришди ва мақсадини айтди. Олимжон фурсат келгунча Олтиариқ туманидаги сиҳатгоҳга йўлланма топиб бериб, ўша ерда дам олиб туришга кўндирди.

15 кун ҳордиқ чиқарган Заррена яна ўз туманидаги қариндоши Малика Усмонованинг уйига келди.

Ўша куниёқ Тўлқин бундан хабар топди. Ўзидан қочиб юрганлигидан, бунинг устига қариндоши Олимжон Бурхонов билан биргаликда келганлигидан ғазабланган Тўлқин дарҳол ўч олишни, уларнинг иккисини бир вақтда қонга ботиришни режалаштирди ва оқшом тушгач, уй атрофида яшириниб, пайт пойлай бошлади.

Тунги соат 3 лар чамасида Тўлқин деразани очиб З.Носирова билан О.Бурхонов битта хонада ётишган деган фикрда уйга бостириб киради. Лекин хонада ҳеч ,ким йўқ эди. З.Носирова уйда одам шарпасини пайқаб ётган жойидан туриб чиқиб келаётганида Тўлқин билан учрашиб қолади. Босқинчи шу заҳоти Зарренанинг дуч келган жойига пичоқ ура бошлайди. Ҳушини йўқотмаган аёл қонхўрдан қутилиш учун қариндошлари ётган хонага қочиб киради. Тўлқин ётганлардан қилча ҳайиқмасдан қонхўрликни давом эттиради. Ётганлар уйғонишиб Зарренани ҳимоя қилмоқчи бўлишганида, ўзлари, ҳам пичоқ тиғига дуч келишади. Тўс-тўполон, дод-войдан уйғониб кетган қўшни хонадаги Олимжон Бурхонов бу ҳолатни кўргач, дарҳол қотил қўлидаги пичоққа ёпишади, бироқ кучи етмаслигига кўзи етгач, ташқарига қараб қочади. Қонхўр шафқатсизликни давом эттириб З.Носировани яна пичоқлайди.

Т.Хожибоев шу билан ҳам кифояланиб қолмади. Бу ердаги қонхўрликни ниҳоясига етказгач, энди ярадор бўлиб ташқарига қочганларни ҳам топиб ўлдириш, тирик гувоҳлар қолдирмаслик мақсадида бошқаларни таъқиб қилишни бошлади.

Қолганлар қўшни ҳовли томонга қараб қочишди, ўша ерда туман ички ишлар бўлими ходими Толибжон Максудов истиқомат қилар эди.

Воқеадан хабар топган Толибжон дарҳол кўмакка шошилди. Қуролли жиноятчи олдида довдираб қолмади. Пайт пойлаб қотилни орқасидан ушлаб олди ҳамда унинг қўлидаги пичоқни уриб тушириб, қуролсизлантирди. Шу тариқа Зарренадан бошқалар, гарчи ярадор бўлишсада, тирик қолишди.

Қиссадан ҳисса шуки, қонун асосига қурилаётган жамиятда жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Бинобарин, Т.Хожибоев ҳам одил суд томонидан содир этган жиноятига яраша жазосини олди.

**Ж.ОБИДЖОНОВ**

***Юрий Яковлев***

# ЎҚИТУВЧИ

*ҳикоя*

Шундай пайт келадики, ўқитувчининг кераги бўлмай қолади, дейишади баъзан...

Мана, у нимaники ўргатишга қодир бўлса, ҳаммасини ўргатиб бўлди, энди поезд шогирдларини олиб жўнаб кетяпти. Ўқитувчи катта вокзалда бир ўзи ёлғиз қолди.

Агар поезд деразасидан бош чиқариб қаралса, унинг поездни ҳамон кузатиб турган якка миқти жуссасини узоқ-узоқлардан ҳам пайқаш мумкин эди. Сўнг у бир нуқтага айланиб қолди.

Темир ғилдиракларнинг тақир-туқири аллақачон тинган бўлса ҳамки, у ҳамон ўша жойдан қимирламасди. Шу тобда поезднинг орқасидан чопгиси, унга чиқиб олгиси келди, — ахир шу поезд билан ўзининг ҳам бир бўлаги — энг қимматли бир бўлаги кетяпти-ку!

Поезд эса унинг истагини писанд қилмасдан, олға интилиб, кўздан йўқолди. Гўё туманда эриб кетгандай, далаларга, қирларга қўшилиб кетгандай бўлди.

Ўқитувчи атрофига қаради. Во ажабо! Вокзал болаларга яна тўлиб кетибди. Улар тиниб-тинчимас, туртишиб-суқилишиб бир-бирларининг пинжиларига тиқилишар, четроқдагиларни итаришиб, бетоқатлик билан ўз навбатларини кутишарди. Кўзларидан уларнинг, «Тезроқ шошилинг, муаллим, кутдириб қўйдингиз бизни. Келақолсангизчи!» дейишаётганини уқиш мумкин эди.

Шунда ўқитувчи поезднинг кетиб қолганини ҳам, бўш вокзални ҳам унутди...

Менинг Ўқитувчим. Унинг қулоқлари учи доим қип-қизил турарди, гўё изғиринда қолгандек, ёзда ҳам ўша қизил қулоқлари учини ўқтин-ўқтин ишқаб қўярди. У ўта ҳаракатчан, тийрак, кўм-кўк кўзлари эса доира бўйлаб ўйнаб турарди. Дарс пайтида ўша кўзлари икки кичик экранга айланар, улардан гоҳ вулқонлар отилар, гоҳ музликлар силжир, суваракларини сапчитиб жала қуярди.

Эсимда. Ўқитувчимиз бир бор синфга дадил кириб келди-ю, кафти билан қулоқларини яна ишқаб туриб остонадаёқ эълон қилди:

— Кеча Янги Коледонияда бақали ёмғир ёғибди.

Синфдагилар ўринларидан туриб кетишди. Сўнг ҳамма кулиб юборди.

— Бақа бечораларнинг эса кулишга фурсатлари бўлмаган, — жуда жиддий сўзлади Ўқитувчи. — Кучли довул уларни ўз қадрдон ботқоқларидан узиб, ашаддий тезликда океан устидан учириб ўтган. Улар ўз пардали оёқларини қуш қанотидек силкитиб борганлар. Эҳтимол, арздод солиб қуриллашгандир. Бироқ ҳар ҳолда бундай учиш улар учун завқли бўлган деб айта олмайман. Шамол кутилмаганда тинчиб қолгач, бақалар ёмғир томчилари оқими билан ерга ёғилишган.

Ўқитувчимиз сўзлаётганида, биз унинг кўзларига қараб, ўзимизни катта очилган ёмғирпўшлар остида ҳис қилардик. Бақаларнинг тепадан урилаётгани шундоққина сезилиб турарди. Қизлар ҳатто уввос солишди.

Бир куни ўқитувчи рўпарамда тўхтаб елкамга қўлини ташлади. Сўнг деди:

— Ҳар биримизда абадий ҳаракатдаги мотор бор.

Мана сенда ҳам, масалан.

Атрофдагилар менга қизиқиб қарашарди. Мен эса бу жумбоққа жавоб қидириб, Ўқитувчининг қўш экранли кўзига қараб қолдим. Унинг кўзлари сеҳрли шуъла сочиб турарди.

— Менда... абадий мотор йўқ, — дея олдим.

— Бор.

Ўйланиб қолдим. Менда бор бўлган барча ҳаракат қилувчи нарсаларни кўз олдимга келтирдим: самокат, велосипед, роликлар, резина билан ҳаракатга келувчи учак. Улар орасида абадийси йўқ эди.

— У доим сен билан. Ҳозир ҳам ўзингда. — Ўқитувчи мен билан беркинмачоқ ўйнаётганга ўхшарди. Киссаларимни бир-бир қайта текшириб чиқдим, портфелимни очиб қарадим. Бироқ бирортасидан абадий моторга ўхшаш нарсани топа олмадим.

— Абадий мотор кўкрагингда, — кўзини мендан узмай деди Ўқитувчи, — бу сенинг юрагинг. У тун-кун, қиш-ёз тинмайди. Танаффуссиз, абадий.

Ихтиёрсиз, кўкрагимни пайпасладим ва унда юрагимнинг кучсизгина талпинишини туйдим.

Синфга сукунат чўкди. Ҳамма ўз абадий моторини қандай ҳаракат этаётганини текшириш билан банд эди.

Ўқитувчи биз билмаган дунёни ҳар сафар, биз учун биринкетин ва тадрижий кашф этарди. Унинг ҳар сафарги янги кашфиётидан сўнг дунё биз учун танг қоларли ғаройиб ва ҳатто мислсиз, эртаксимон бўлиб қоларди. У оддий нарсаларнинг шундай қирраларини топиб бизга англатардики, улар онгимизда биз учратмаган салоҳияти билан намоён бўларди. Шундайку-я, бироқ унинг асосий дарси ҳали мени олдинда кутаётган экан. Бир кун кинотеатрда ўзим кутмаган ҳодисага дуч келдим. Кутиш залида одамлар орасидан ўтаётиб бирданига мураббий опамизга кўзим тушди. Бўйи узун, сарғич сочли тарбиячи опамиз кўзларига чиройли қора кўзойнак тақиб олганди. У билан ёнма-ён ва анча шубҳали яқинликда бир қирғийбурун йигит турар, улар нонтувакдаги музқаймоқдан еб, жуда иноқ суҳбатлашишарди. Бошда кўзларимга инонмадим, бироқ эринмай уларнинг олдиларидан яна бир бора ўтгач, иш равшанлашди — бу, шаксиз, ўша эди. Ҳаяжондан лоладек қизариб кетдим. Залга кириш ҳаммага рухсат этилганида, жойимга бориб, аланглаб узоқларга бўй чўзиб, уларни қидириб турибман. Улар эса шундай яқинимда ўлтиришган экан. Экран қолиб уларга термулардим. Ҳатто ўша қирғийбуруннинг тарбиячимиз ўриндиғи суянчиғига қандай қилиб қўлини қўйиб олганини ҳам аниқ кўриб турардим. Шу онда залда чироқ ўчиб, менинг кузатувим роса қизиқ жойида узилиб қолди.

Эртасига синфга барвақт отилиб кирдим. Кирдим-у болаларга кечаги кўрганларимни, нонтувакдаги музқаймоқ ва суянчиқ ҳақида ошиб-тошиб сўзлай бошладим. Синфдагилар мириқиб хиринглашарди. Шунда орқа томондан енгил томоқ қирилишини эшитдим. Ўгирилиб қарасам, остонада Ўқитувчим турибди. У бир сўз демай, мени имлади ва икковимиз даҳлизга чиқдик.

— Ҳозир сен синфга кириб, — деди Ўқитувчим мен гўё йўқдек, қаёққадир қараб туриб, — кинода ҳеч кимни учратмаганлигингни айтасан. Музқаймоқ ва ўриндиқ суянчиғини ўзинг ўйлаб чиқарганингни ҳам айт!

— Бироқ мен ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим-ку!

— Ҳа, сен кўрдинг, бироқ булар ҳақида біровга оғиз очмаслигинг керак эди. Қандай уят!

— Ҳақиқатни гапириш уятми? — сўрадим ниҳоят, Ўқитувчидан-да гердайиб унга қарадим.

— Бундай ҳақиқат сенга тегишли бўлмайди. Агар одамлар бировларга тегишли ва ўзлари огоҳ бўлган барча ҳақиқатларни сўзлайверсалар, гап томоқларга тиқилиб қолади. Биров ҳақидаги ҳақиқатни ҳамма билиши шарт эмас.

Шу ўринда Ўқитувчини тузоққа туширмоқчи бўлдим. Бу мен учун нажот эди.

— Демак, сизнингча, ёлғон сўзлаш керак экан-да?

— Яхшиси — жим қолиш. — деди Ўқитувчи, — Бировнинг сири нима эканлигини биласанми? Бу ҳам ҳақиқат, бироқ у ҳаманики эмас. Сен бировгагина тегишли сирни ошкор қилиб қўйдинг. Бу — бировнинг нарсасига чанг солишга ўхшайди. Қабоҳат.

Энди мен ўзимни қўярга жой топа олмай, Ўқитувчига боқардим. Қандай эътироз билдиришни билмасдим. У деди:

— Бор! Ҳаммасини ўйлаб чиқарувдим де!

— Алдайинми? — чўрт кесдим.

— Шу аҳволга ўзингни ўзинг туширдинг. Энди эса ҳақиқат йўлида ёлғон сўзлашингга тўғри келади.

Синфга имиллаб маъюс кирдим ва тушкин бир оҳангда ҳамма айтганларим ёлғонлигини, тарбиячимиз ҳеч қандай кинотеатрда бўлмаганини, қирғийбурун йигит ўзимнинг ихтиройим эканлигини айтдим.

— Сафсатавоз, — деди кимдир.

— Ёлғончи, — деди бошқаси.

Мен ҳаммасини ичимга ютдим.

Бир куни мени катта синфда ўқийдиган давонгирдай бир бола муштлаб қолди. Аммо бу ҳаммасимас. У мени ўзим ёқтирган қиз олдида урган эди.

Беҳад ранжидим, узоқ азобланиб юрдим. Олдимга яна Ўқитувчим келди ва қўлини елкамга қўйди.

— Сен уни уришинг керак, — деди секингина.

— Лекин қандай қилиб? — аламим баттар қўзиди.

— Оддийгина қилиб. Ҳамма қандай урса, ўшандай қилиб.

— Ахир у мендан анча кучлику! — бидирладим ноиложликдан.

— Ким ҳақ бўлса, ўша кучли! Билгилки, ким ҳақ бўлса, қанча аламларга гирифтор бўлмасин, барибир ғолиб бўлади. Яна эсингда тут: мағлубларни қизлар ёқтиришмайди.

Ўқитувчи билан суҳбатдан кейин анчагача бир қарорга кела олмай, қийналиб юрдим. Ниҳоят, кунлардан бир куни ўз туйғумдаги қўрқувни енгдим. Ва юқорига, ўша мени ранжитган бола ўқийдиган тепа қаватга кўтарилдим. Уни эшик олдида пойлаб турдим. Бир пайт лапанглаб, синфидан чиқиб кела бошлади. Шунда бор кучимни муштимга йиғиб, таваккалига унга ташландим ва бир уриб, даб-дурустдан ағдариб юбордим. Давонгир тўйқусдан тушган зарбадан ўзини ўнглаб улгурмасидан, мен ўз она қаватимга ғолиб жўнаб қолдим. Ўша ўзим ёқмоқчи бўлган қизга ҳеч нарса айтмадим, бироқ у менинг мағрур нигоҳимдан ҳамма нарсани тушунди.

Эртасига мени илмий бўлим мудирамиз чақиртирди.

— Бу қандай янгилик, — хитоб қилди мудирамиз мен остона ҳатламай, — ким сенга муштлашишни ўргатди?

Жавобим тайёр эди:

— Ўқитувчим!

— Ўқитувчинг?... Ўқитувчим дедингми? — мудира опамиз сапчиб турди. — Нима деганингни тушунасанми ўзи?

Бунақа демаслигим кераклигини ўша заҳотиёқ англадим.

— Ўқитувчим эмас, ўзим... Ўзим шундай қилдим.

Ўзаро боғланмаган яна бир неча далилларни қалаштириб ташладим. Бироқ ғишт қолипдан кўчган эди. Мудира опамиз беаёв саволлар билан беҳол қилиб юборди:

— Ёлғон сўзлашни ҳам ўша ўқитувчинг ўргатдими? деди у ниҳоят. Мен унинг саволларига «ҳа, тўғриси йўқ» каби жавоб берардим. Фикрларим чалкашиб кетди. Бирор фалокат рўй беришидан қўрқиб олдинга отилдим:

— Уни ўзим урганман. Чунки у мени биринчи бўлиб урганди. Яна шунинг учун ҳам урдимки, қизлар мағлубларни ёқтиришмайди.

Кечиринг мени, Ўқитувчим! Мен Сизга хиёнат қилдим. Йўқ-йўқ, бу сотқинлигим сабабидан эмас. Сиз ҳали менга ҳар бир сўзнинг масъулиятини сезиб, салмоқлаб ва ўйлаб сўзлашни ўргатмаган эдингиз. Эҳтимол, атайин шундай қилгандирсиз. Эҳтимол, ўх дўлворлигим-у, инсондаги энг аъло ҳислат — самимийликни йўқотмаслигим учун шундай қилгандирсиз.

Ҳаётим поезди олға боради. Унинг вагони деразасини очиб, қачон орқага қарамайин, бўш вокзал майдонини ва менга ўз юрагининг бир парчасини жойлашга улгурган ўша буюк Одамнинг ёлғиз ва кичиккина жуссасини кўраман.

У ҳаёт, орқамдан ўйга толиб, изларимга қараб туради. Гўё менинг тўғри йўлдан кетаётганимга ишонч ҳосил қилмоқчи бўлгандай! Эҳтимол, у мени ҳозиргача ҳам «ўша бола» сифатида кўрар!?

Ғилдиракларнинг бир текисда дўқирлаши деразадан эшитилиб туради, қулоққа шабада ҳуштак чалади. мана яна кўриб турибман, — вокзал саҳнида болалар чопиб юришибди. Улар бир-бирларини тортқилашиб, бир-бирларининг пинжиларига суқилишиб Ўқитувчи ҳузурига шошилиб боряптилар.

**Русчадан Эминжон ТАЛАБОВ таржимаси**

Янги давр одами

# 28 ЁШИДА ФАН ДОКТОРИ!

**_Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги "Дев солган қалъа" археологларнинг тахминича 3000 йиллик тарихга эга. Уни манбаларда Сулаймон қалъа ҳам дейишади. Нураган пахса деворлар билан ўралган қўрғон ичида аждодлардан мерос анъаналарга содиқ кишилар яшашади. Илонизи жинкўчаларда қийқиришиб ўйнаб юрган болаларни кўриб қалбингиз энтикиб кетади. Чунки уларнинг қувноқ чеҳрасида ҳали кашф этилмаган дунёни кўриш мумкин._**

Даврон Матрасулов ҳам ана шу болакайлар каби кўча чангитиб ўйнаб юрган дамларидан кўнглида ана шундай юксак орзулар палак ёзган эди. Келажакда ўқиб-изланиб, буюк ал-Хоразмийга муносиб ворис бўлишни ният қилган.

Ўшанда ўрта мактабнинг 9-синфини тамомлаганди. Кутилмаганда у ёзган ариза туман халқ таълими бўлими мутасаддиларининг ҳайратини оширди. Даврон ўз аризасида: «Мен ўрта маълумот дарс дастурларини ўқиб, ўзлаштириб бўлдим. Менга аттестат беришингизни сўрайман», деб ёзганди. Ариза вилоят халқ таълими бошқармасига юборилди. Бироқ шўро замонида фавқулодда учрайдиган ёш истеъдоднинг бундай қалб ёлқини тўрачиликнинг совуқ муносабатлари остида қолиб кетди. Аризага ижобий жавоб берилмади. Зуваласи пишган ўқувчи эса яна бир йил ўқиб 10-синфни тугатди.

Ана шундан сўнг у Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг физика ва математика факультетига ўқишга кириш учун ҳужжатларини топширди. Имтиҳонларни «аъло» баҳога топширган Даврон талаба бўлиш бахтига мушарраф бўлди. Олийгоҳни тугатиб, 1993 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Иссиқлик физикаси бўлимига кичик илмий ходим бўлиб ишга кирди. Динамикага хос ҳодисалар, юқори энергияли релятивистик оғир ионларнинг тўқнашуви, релятивистик кам зарарли системалар назарияси каби бир неча соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Релятивистик оғир ионларнинг оғир атомлар билан тўқнашув жараёнини тавсифлаш услубини ишлаб чиқди. Ядро физикасининг қатор муаммоларини тадқиқ қилди. 30 дан ортиқ илмий мақолаларни ўзида мужассамлаштирган «Оғир ионлар тўқнашуви» мавзуидаги номзодлик иши илмий кенгашга тақдим этилди. Ўшанда Кенгаш таркибида чет эллик олимлар ҳам бўлиб, уларнинг орасида, айниқса, япониялик мутахассислар Д. Матрасулов тадқиқотига жуда юқори баҳо берди. «Бу «иш» докторликка муносиб, аслида Японияда бундай тадқиқотга докторлик берилади», дея фикр билдиришди улар.

— Нега энди Японияда амалга ошириладиган ишни Ўзбекистонда қилиб бўлмас экан, — дея уларнинг фикрини маъқуллади Давроннинг устозлари. — Биз ҳам шогирдимизни докторликка муносиб деб ҳисоблаймиз.

Кутилмаган бахт қуши ёш олимнинг бошига қўнган эди. Унинг номзодлик учун ёқлаётган илмий ишига биратўла докторлик унвонини беришди. Бундан 15 йил муқаддам унинг мурғак қалб орзулари билан ҳисоблашмаган шўро тузумида шундай улуғ бахтга эришиб бўлармиди?! Ахир у 28 ёшида фан доктори унвонига мушарраф бўлди-ку!

— П. Ҳабибуллаев, М. Мусахонов, Б. Йўлдошев, В. Матвиев, Р. Раҳимов каби олимлар фан оламида ўз мактабини яратган устозларимиз саналади, — дейди биз билан суҳбатда Д. Матрасулов. — Келгусида мен ҳам улар сингари ўзимнинг физика мактабимни яратаман! XXI аср — заковат асри. Айни замонда АҚШнинг «Майкрософт» компанияси дунёнинг барча компьютер тизимини дастурлар билан таъминлаётгани каби келажакда жаҳон бозорида сотиладиган асосий нарса бу — ғоялар, назариялар ва улкан дастурлар бўлиб қолади.

Ҳашаматли Дев солган қалъадаги чилангар Ўринбой ака оиласида улкан орзулар оғушида камолга етган Даврон учун Истиқлол хуш даврон бўлиб келди. Бир сўз билан айтганда, у Мустақиллик кашф этган ифтихор соҳибидир. Боболаримиз, момоларимиз қўмсаб яшаган озодлик — биз ёш авлод учун улуғ имконият эканини Давронбекнинг илмий ютуқлари исботлаб турибди.

**Эрпўлат БАХТ,**
**«Ишонч» мухбири**

Ҳомийлар ва шифокорлар йили

# МЕН СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ...

**_Хасталик Норбувини жонидан тўйдирди. Бормаган жойи, учрамаган табиби қолмади. Айниқса, ёз фаслининг саратон чилласида жони азобда қоврилар, қисқа тунлар асрдек узун туюларди. Кимдир "астмага типратикан яхши", деди. Еди. Илон, ит гўштидан ҳам тотинди. Фойдасини сезмади. Ниҳоят сабр косаси тўлди._**

Тун. Тўлин ой кўкда термулиб турарди. Норбуви нафаси бўғилиб, ухлай олмади. Қийналиб кетди. Молхонадан арқонни олиб, олмурут дарахтига ўзини осди. Бехос уйғониб қолган кенжатойи уни кўрдию, додлаб юборди.

— Ойи, ойижоним, нима қиляпсиз?!

Ҳамма уйғониб кетди. Худонинг қудрати билан Норбуви тирик қолди. Бироқ бу тириклик унинг учун дўзах эди.

— Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим.

— Дардини берган, давосини ҳам беради, онаси, бесабр бўлма-да, — деди ҳуши бошидан учган эри.

У ҳақ эди. "Навоийазот" ОАЖ тасарруфидаги профилакторий тўғрисида эшитганида дилида сўнаёзган умид лип этди. Икковлон "Навоий, қайдасан?", деб йўлга тушдилар.

Азим чинорлар, серсоя қарағай, эман, арча дарахтлари оғушида кошонадек кўзга ташланган тиббиёт маскани уларнинг кўзига олмос тоғдек бўлиб кўринди.

— Келинглар, — хуштавозелик билан қарши олди бош шифокор Юсуф Ҳотамов.

Вақт елвизакмисол ўтаверади. "Астойдил йиғланса, сўқир кўздан ҳам ёш чиқади", деганларидек, Яратганнинг раҳми келди, шекилли, профилакторийда Норбувининг дарди енгиллашди.

"Навоийазот" ОАЖ ишчиси Людмила Николаевна Алиева қандли диабетдан азоб чекарди. Чирчиқ шаҳрида ишлаб чиқарилган "Барокамера" аппаратида 6 та сеанс олиб, саккиз ойдирки организмида қанд миқдори ошмай қўйди. Гапнинг сираси бундай мисоллар кўп.

Сўнгги йилларда бу ерда даволанувчиларнинг сони ошмоқда. Чунки саломатлик ошёнида даволаш ишлари намунали ташкил этилган. Янги тиббиёт аппаратлари беморларнинг жонига оро кирмоқда. Жумладан, "Барокамера" босим остида организмни кислород билан тўйинтиради. "Тузли ғор" камерасида эса тузнинг ионлари нафас йўлига ўтириб, касаллик чақирувчи микробларни йўқотади. Бу сурункали бронхит, бронхиал-астма, аллергик касалликларни даволашга жуда яхши ёрдам беради. "Гидрокомплекс", яъни сув мажмуасининг ҳам асаб, нерв, қон айланиш тизими ва шунга ўхшаш хасталикларга шифоси самарали бўлмоқда.

Айни пайтда бу саломатлик гўшасида корхона ишчиларидан ташқари бошқа жойдан келган беморлар ҳам даволанмоқда. Жумладан, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномованинг саъй-ҳаракати ўлароқ, республика бўйича ҳар мавсумда 10 нафардан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар мазкур профилакторийда ушбу корхона ҳисобидан соғломлаштириладиган бўлди.

Миннатдорчилик сўзлари битилган дафтарни кўриб, кўнгил қувонади. "Биз Валя опанинг (шифокор Валентина Ивановна Герхерт) шифобахш қўлларини кўзга суртгимиз келади. Чунки унинг ёрдамида дарддан фориғ бўлдик, деб ёзади корхона ишчилари номидан Нуров, Холмуродов, Бўтаев, жами 8 имзо". Бундай рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин.

Профилакторийда даволанувчиларнинг кунларини мазмунли ўтказишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Яхши таъмирланган ётоқхона корпуси, озода, шинам йўлаклар, жиҳозланган дам олиш хоналари, турли қувватли ва витаминли таомлар, қўйингки, барчаси дам олувчиларга манзур бўлмоқда. Кечки ҳордиқ пайтида турли ташкилий тадбирлар, кино, концерт ва дискотекалар кишиларга завқ-шавқ бағишламоқда.

**Шарофат ИСКАНДАР қизи,**
**«Ишонч» мухбири**



И.ҲАСАНОВ олган сурат

## ОЛАМНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ

Қадимий афсоналарда оламнинг етти мўъжизаси бор эканлиги айтилган. Бу мўъжизалар улуғвор иншоотлардан иборат бўлиб, ўз чиройи, маҳорат билан қурилганлиги ва катталиги билан кишини қойил қолдирар экан.

Улардан бири Родос ҳайкали — Қуёш тангриси Гелиосни ифодаловчи жуда катта мис ҳайкал эди. Ҳайкалнинг икки оёғи Эгей денгизидаги Родос бандарини (гаванини) денгиз билан қўшиладиган бўғознинг икки қирғоғига ўрнатилган бўлиб, кемалар бу жойда улкан ҳайкалнинг оёқлари орасидан ўтар экан.

Иккинчи мўъжиза — Хеопс эҳроми Миср Фиръавнининг мақбараси эди. Бу пирамида ҳозирги кунгача сақланган. Унинг баландлиги 146 метр. Эҳром ҳар бири бир неча ўн тонна келадиган тошлардан қурилган. Мисрликлар қандай қилиб бу тошларни шундай баландликка кўтариб жой-жойига ўрнатгани ҳозир ҳам муаммо.

Ой тангриси Артемиданинг ибодатхонасини учинчи мўъжиза деб ҳисоблашади. Уни қадимий грекларнинг душманлари вайрон этган.

Тўртинчи мўъжиза бўлмиш Ассуриянинг афсонавий аёл подшоҳи Семирамиданинг осма боғларидан ҳам ҳеч асар қолмаган. Бу боғ ўзининг ажойиб шаклдаги дарахтлари билан замондошларини завқлантирар эди.

Олтин ва фил суягидан ясалган ҳайкалда олий тангри Зевс ўриндиқда ўтирган ҳолатда тасвирланган эди. Бу оламнинг бешинчи мўъжизаси ҳисобланарди. Бу ҳайкал ўзинг руҳий кўтаринкилиги, илоҳийлаштирилганлиги ва маҳорат билан ишланганлиги кишини ҳайратда қолдирарди.

Мавсол подшосининг Галикарнасдаги улуғвор мақбараси зилзила натижасида вайрон бўлганди. Қазилмалар пайтида оламнинг олтинчи мўъжизаси бўлган бу машҳур иншоотнинг айрим қолдиқлари топилган эди («мавзолей» сўзи ҳам шу мақбара номидан келиб чиққан).

Ниҳоят, оламнинг еттинчи мўъжизаси — соф мармардан ишланган, баландлиги 180 метрлик Александрия минорасидир.

Саккизинчи мўъжиза... Одатда инсониятнинг порлоқ тафаккури яратган улуғвор кашфиётларни шундай деб атайдилар. Мана шунинг учун ҳам электрон ҳисоблаш машиналарини оламнинг саккизинчи мўъжизаси дейишади.

**Акбар АЛИЕВ**

# САРДОБАДА АЁЛЛАР ФОРУМИ

**_Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос хусусиятлардан бири. Истиқлол йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлатимиз катта ишларни амалга оширмоқда._**

Айниқса, мамлакатимизда 2005-2007 йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш бўйича Давлат дастури қабул қилингач, аёллар ижтимоий фаоллиги янада жонланди. Дастурга кўра шу йилларда 205 минг хотин-қиз иш билан таъминланди.

Аёлларнинг сиёсий фаоллиги ортмоқда. Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 18 фоизини, Сенат аъзоларининг 15 фоизини аёллар ташкил этса, вилоят кенгашларига 100 нафар, шаҳар кенгашларига 165, туман кенгашларига 698 нафар хотин-қизлар депутат этиб сайланишган.

Мазкур далил ва фактлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан Мирзачўл бағридаги Сардоба туман марказида бўлиб ўтган «Мустақиллик — менинг тақдиримда» Аёллар форумида янгради.

Анжуманда 52 минг аҳоли истиқомат қилаётган Сардоба туман халқ хўжалигини ривожлантиришда хотин-қизлар улуши салмоқли эканлиги таъкидланди. Сўнгги йилларда ҳудудда тадбиркор аёллар фаолиятини ривожлантиришга анча эътибор берилмоқда. Кейинги уч ой оралиғида 8 нафар тадбиркор аёлга микрокредит ажратилганлигининг ўзиёқ фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, республика Бош вазирининг ўринбосари С. Иномова анжуман иштирокчиларини қизғин қутлар экан, мирзачўллик аёлларнинг матонат ва жасоратга тўла меҳнати ҳукуматимизнинг доимий эътиборидалигини қайд этди. Чўлни бўстонга айлантираётганлар сафида О.Исмоилова, Н. Мусигалиева, А. Курбонова, Н. Самадова, О. Шушаева сингари юзлаб аёллар номи фахр билан тилга олинди.

Турмуш қурганларига 50 йил бўлган Равшан ота ва Орзигул момо Абдуллаевалар ҳамда Турсун ота ва Нозима момо Бердибоевалар ибратли ҳаёт йўллари ҳақида сўзлаб беришди.

Бир гуруҳ чўлқувар аёлларга Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Хотира уйғонса гўзалдир

# ХАЁЛИ ОСМОНГА ТАЛПИНГАН ШОИР

Шафқатсиз ҳаётнинг оғир синовларию, аёвсиз суронларига дош бериб, қоқилмай яшашнинг ўзи ҳам инсон учун катта бахт экан. Ажойиб инсон Мансур Аҳмедов ҳақида ўйлаганимда хаёлимдан ана шу фикрлар ўтади. Ундан ширин фарзандлар, газета-журналлар саҳифаларига муҳрланган мақолалар, ўтли, гўзал қўшиқларга айланиб улгурган шеърлар, ёниқ ижоди қолди. М.Аҳмедов ижодининг илк чашмаси 1995 йили чоп этилган «Кипригингда осилиб турган менинг жонимдир...» тўплами билан китобхонлар қалбига кириб келган эди. Аниқ эсимда, тўплам кўпчилик мухлислар томонидан жуда илиқ кутиб олинган.

Унга сўзбошини марҳум ҳофиз, Ўзбекистон, Туркманистон, Татаристон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Отажон Худойшукуров битган эдилар. Ҳофиз Мансур Аҳмедовга бўлган меҳри, дил изҳорларини шундай ифодалаган:

«Камина ҳофиз бўлгани учун ҳам кўплаб шеърларни ўқишга тўғри келади. Тирикчилик учун қалам қимирлатиб юрган кўпгина шоирлардан кўнглим қайтиб кетади. Аммо гоҳида Мансур Аҳмедовга ўхшаган, юракдан ёзадиган ижодкорларни учратганимда бошқача кўз билан қарай бошлайман, борлиққа ҳайрат ва қувончнинг порлоқ кўзи билан....

Илҳом лаҳзалари худди сурмаранг саҳарга ўхшайди. Тонг дунёга ёғду таратса, шоир ўзгаларнинг фикратига зиё улашади. «Эмас осон бу майдон ичра турмоқ» деганлар ҳазрат Навоий. Мен шеъриятнинг муқаддас азобини ҳис қила туриб, бу майдонга кирган истеъдодли укам Мансур Аҳмедовга тонгги шабнамдек тоза саодат ва сабот тилайман».

Аслида шеърият илоҳий куч-қудрат ҳосиласи — илҳом келган дамда барча нарса унутилади, борлиқ эсдан чиқади. Сўзлар ижодкорни таъқиб қилаверади. Туғилган фикр қоғозга тушмагунча қалам аҳлига бир зум ҳам тинчлик йўқ.

***Тўғри,***
***ўқ қочмайди,***
***ўқ отилади.***
***Лекин мен ўқдирман.***
***Қочаётган ўқ.***
***Ғашингизга теккан ёвни***
***қулатиб,***
***Бир кун йўқ бўламан!***
***Йўқ бўламан!***
***Йўқ!!!***

(«Қочаётган ўқ»)

Қандай таъсирчан шеърий сатрлар. Ундаги туйғу-фикрни англаш учун шеъриятни англаш, тушуниш, юракдан ҳис қилиш керак бўлади.

***Имкон бўлса эди менда,***
***Чизардим —***
***Оламнинг номаълум сирларини***
***ҳам.***
***Хаёли осмонни тутган шоирнинг***
***Ёзиб улгурмаган шеърларини***
***ҳам.***
***Имкон керак фақат...***

(«Рассом портрети»)

Ҳар бир ижодкорда бўлгувчи илҳом деган туйғу тинимсиз изланишлар, ўқиш ва ўрганишлар, самарали меҳнатлар маҳсулидир. Талантнинг тўқсон тўққиз қисми меҳнат, деган сўзни мен шундай тушунаман. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидов илҳом тўғрисида айтган фикрлари бу борада катта аҳамиятга эга:

«Шоир илҳом дақиқаларидагина ҳақиқий шоир бўлади. Бошқа вақтда у ўзгаларга ўхшаб фикр қилувчи оддий одам. Шоир илҳом онларида битган сатрларига кейин ўзи ҳайрон бўлиши мумкин».

***Мумкин бўлса эди кесиб***
***ташламоқ,***
***Ёлғон гапиришга ўрганган***
***тилни.***
***Босиб кетар эди рўйи заминни,***
***Хивадаги каби Калтаминорлар.***

(«Мумкин бўлса эди кесиб ташламоқ»)

Ижод машаққатлари ва азоблари ҳақида гапира туриб, раҳматли Мансур ака шундай латифа айтган эдилар. «Бир куни хон ҳазратлари янги ёзган «шеър»ларини Афандига ўқиб берибди ва унинг фикрини (мақтовини, албатта) кутибди. Хоннинг илтифотидан аччиқ ҳақиқатни устун билган Афанди унга ўз муносабатини билдирибди. Ғазабланган хон уни отхонага қамаб қўйишларини буюрибди. 2-3 кундан сўнг хон уни яна чақириб, янги шеърларидан ўқиб беради ва жавоб кутади. Бунга жавобан Афанди чуқур хўрсиниб, ўрнидан туриб кета бошлайди.

— Йўл бўлсин?!

— Начора, яна отхонага-да, — дейди Афанди».

Халқнинг дилига кириш, кўнглидаги гапларни топиб айтиш осон иш эканми? Бунинг учун илоҳий куч-қудрат, туйғу, инсоннинг пок қалби бўлмоғи лозим.

***Ҳар бир инсон дунё ичра***
***дунёдир,***
***Ҳаёт кимга базму кимга рўёдир,***
***Бир кун лол, бир кун***
***булбулигўёдир,***
***Ижроси йўқ қуруқ сўздан не***
***қолур.***

(«Не қолур?»)

Мен доимо Мансур Аҳмедовга ҳавас қилар эдим. У ҳаётда ҳеч қачон баландпарвоз гапларга учмас, мансабнинг изидан қувмас эди. Фақат қалб амри буюрган ишни қилди, Худо томонидан насиб этган бахтнигина кўролди.

Унинг болалиги Манғит шаҳрида кечди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатгач, иш фаолиятини ўзи туғилиб ўсган тумандаги «Амударё ҳақиқати» газетасида мухбирликдан бошлади. Муҳаррирликкача бўлган йўлни қисқа вақтда босиб ўтди. Кейинчалик «Халқ сўзи» газетасининг Қорақалпоғистон бўйича махсус мухбири, Республика Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг нашри «Аму тонги» газетасига 1993-1998 йиллар мобайнида муҳаррирлик қилди. 1998-2003 йилларда республика Вазирлар Кенгашининг масъул ходими лавозимларида фаолият олиб борган бўлса, умрининг охирги кунларида ўзи севган касб — мухбирликнинг нонини еб, азобини тортиб, Халқ таълими вазирлигининг «Устоз йўли» газетасида ишлаётган эдилар. Афсус, минг афсус! Мансур Аҳмедов эндигина 42 ёшни қаршилаётганда шафқатсиз ўлим уни орамиздан олиб кетди. Қоғозга тўкилмаган дурлар, шеъриятнинг ёниқ ҳайқириғи, ёзилмаган сатрларда халқига айтиб улгурмаган гаплари муаллақ қолди.

Ўзи айтганидек:

***Мансур, қўлга олиб қоғоз ва***
***қалам,***
***Куйласам дилимда не бахт, не***
***алам,***
***Эшитиб тўлғонса жумлаи олам,***
***Лоқайд бўлсанг агар, сендан***
***сақласин!***

**Икромбек ХОЛМУРОДОВ,**
**Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси**

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!**

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши касаба уюшма Марказий Кенгашининг Андижон вилоятидаги вакили Саҳобиддин Умурзоқовга отаси

**Ғоип ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

# ПОЙТАХТДАН ОЛИСДА ҲАМ...

Маънавий ҳаёт

*Миллий қадриятлар ва маънавиятни тиклашга хизмат қилаётган Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон ўзбек давлат драма театри саксон бешинчи ижодий мавсумини «Сусамбил», «Аҳмад уйланармиш» (М.Эргашев), «Бир қадам йўл» (У.Азим), «Падаркуш» (Беҳбудий) спектакллари билан бошлади. Саҳнага олиб чиқилган асарлар мавзуининг долзарблиги, маърифий-тарбиявий аҳамияти юксаклиги билан томошабинлар эътиборини қозонмоқда. Шунинг учун ҳам театр ҳамиша гавжум.*

*Кейинги йилларда Каттақўрғон театрида саҳна юзини кўрган «Армон», «Саодат йўли», «Осмондан танга ёққан кун» спектакллари халқимиз турмуш тарзини акс эттиради ва ватанпарварлик, инсонийлик каби фазилатларни улуғлайди. Бундай муваффақиятлар, шубҳасиз бош режисёр Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Иброҳим Нурмонов, бош рассом Ноила Қораева, артистлар Гулбаҳор Мамедова, Икром Ҳошимқулов, Абдуғани Абдураззоқов, ёш ижодкорлар О. Мардонов, Ҳ. Абдуллаев каби ўнлаб иқтидорли санъаткорлардан иборат жамоанинг машаққатли изланишлари натижасидир.*

*Театр жамоаси шаҳарда ўтказилаётган байрам тадбирларида, турли учрашувларда мунтазам қатнашиб келмоқда. Чунки санъат омманинг фикри ва дунёқарашини ўзгартиришга ниҳоятда самарали таъсир қилади. Бу эса театр шунчаки томошахона эмас, балки тарбия ва маърифат даргоҳи деганидир. Хуллас, жамоа меҳнати зое кетмади. У 2005 йилда бир неча фестивал ва кўрик-танловлар совриндори бўлди. Шунингдек, XVII Қоҳира театр фестивалида қатнашиш истагидаги даъвогар - номзодлар рўйхатидан ўрин олди.*

**А.ҲОШИМОВ**

**Ishonch**

**МУАССИС:**
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият 153-52-78;
Хатлар бўлими 153-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи котиб - Ж.Шароффбоев
Навбатчи муҳаррир - А.Ҳақбердиев
Навбатчи - Т.Шернаев
Мусаҳҳиҳ - А.Ёрбеков

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Тиражи: 7627
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru
Буюртма Г— 1115

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 19.40